

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019.В.52.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁРҚУЛОВ ЖАВЛОН МАҲМУДОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИНГ КАМЁБ ВА ХАВФ ОСТИДАГИ
ҚИШЛОВЧИ ҚУШЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ёркулов Жавлон Махмудович

Зарафшон водийсининг камёб ва хавф остидаги қишловчи қушлари 3

Ёркулов Жавлон Махмудович

Редкие и находящиеся под угрозой исчезновения зимующие птицы
Зарафшанской долины 21

Yorkulov Javlon Mahmudovich

Rare and endangered wintering birds of the Zarafshan Valley 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019.В.52.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЁРҚУЛОВ ЖАВЛОН МАҲМУДОВИЧ

**ЗАРАФШОН ВОДИЙСИНИНГ КАМЁБ ВА ХАВФ ОСТИДАГИ
ҚИШЛОВЧИ ҚУШЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/В728 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ва «ZiyNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азимов Джалалиддин Азимович
биология фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Камилов Бахтияр Ганиевич
биология фанлари доктори, профессор

Кашкаров Роман Данилович
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 14 март куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz.)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№1708-AP рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Тел.: (99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2023 йил 22 февраль куни тарқатилди.

(2023 йил 22 февралдаги 3 рақамли реестр баённомаси).



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда табиий ҳудудларга антропоген таъсирлар даражасининг кучайиб бориши оқибатида, табиатнинг бошқа компонентларида кузатилганидек, турли минтақаларда қуш турлари, сони ва учраш хусусиятларида ўзгаришлар кузатилиб, яшаш жойлари қисқариб бормоқда. Айниқса, бу таъсирлар оқибати қушлар яшаши учун қулай бўлган – сув ҳавзалари, тўқай ва текисликларда яққол намоён бўлмоқда. Шу сабабли, алоҳида ҳудудларда камёб ва ҳаёти хавф остида бўлган қушларнинг хилма-хиллигини, йиллик ҳаёт циклини, жумладан қишлаш хусусиятларини ўрганиш, қушларни яшаш муҳитларида асраш, уларни муҳофаза қилишнинг самарали йўлларини такомиллаштириш ва қўрикланадиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда табиий ва урбанлашган ҳудудлардаги биологик хилма-хилликни сақлаш, учиб ўтувчи турларнинг миграция йўллари ҳамда уларнинг қишлаш жойларидаги хавфларни аниқлаш, айрим салбий таъсирларни юмшатиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, қуш турлари ва гуруҳлари учун яшаш жойлари ҳисобланган сув ҳавзалари ҳамда уларнинг қирғоқ ҳудудларини муҳофаза қилиш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва биологик ресурслардан барқарор фойдаланиш муаммоларини ҳал этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, турли экологик гуруҳларга мансуб қушлар хилма-хиллигини сақлаш ва улардан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг деградациясини камайтириш, ноёб ва йўқолиб бораётган қушларни муҳофаза қилишнинг йўллари ишлаб чиқилди. Хусусан, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида¹ «...биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Зарафшон водийсининг камёб ва ҳаёти хавф остида бўлган қишлоғи қуш турларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, турли экологик гуруҳларга мансуб қушларнинг тарқалиши ва экологиясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда камёб турларининг муҳофаза қилиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги «Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида» ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори.

914-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қушлар фаунасига оид илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Қушларнинг турли хил экологик гуруҳлари ва таксономик хилма-хиллиги аниқланган, биологияси ва экологияси, табиий ва трансформацияга учраган ҳудудлардаги турлари популяциясининг тарқалиш хусусиятлари ўрганилган, аниқланган қушлар популяциясини химоя қилиш хусусан, камёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар хорижий давлатлар олимлари – Н. Heinzl et al. (1995), I. Ido et al. (2002), M. Shmueli et al. (2008), S. Van Rijn et al. (2010), A. Raffael et al. (2012), S. Esther et al. (2013), S. Taro, Sh. Saiko (2014), K. Ignacy et al. (2017), M. Dominik et al. (2017), A.V. Evgeny et al. (2018), M. Panuccio et al. (2019) ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

МДХ мамлакатларида қушлар биологик хилма-хиллигининг фундаментал ва амалий муаммолари бўйича ҳам шу каби тадқиқотлар И.А. Абдусаломов (1971), Ш.Р. Мирзобаҳадурова (2000, 2021), В.А. Ковшарь (2003), И.С. Павлов (2005), А.К. Рустамов (2007), Э.А. Рустамов (2009), А.В. Жуков, А.Ю. Андрющенко (2017), В.В. Юрко (2021) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистон биогеоценозларида орнитологиянинг назарий ва амалий муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилиб, маълумотлар Р.Н. Мекленбургцев, А.К. Сагитов, Д.Ю. Кашкаров, Е.Н. Лановенко, Э.Р. Фоттелер, М.М. Остапенко, О.В. Митропольский ва бошқалар томонидан 1987, 1990, 1995 йилларда нашр этилган «Ўзбекистон қушлари» номли жамоавий монографияда тўлиқ баён этилган. Табиий ва урбанлашган ҳудудларнинг қушлар фаунасини ўрганишга доир тадқиқотлар Ф.Р. Холбоев (2000, 2012), М.М. Тўраев (2003, 2006, 2010, 2016), О.В. Митропольский ва б. (2005, 2007, 2009), Р.Д. Кашкаров ва б. (2008, 2011, 2020, 2022), А.Р. Жабборов (2016), М.А. Жуманов (2017), А.А. Атаходжаев, В.О. Сударев (2017), Я.И. Аметов (2019), И.М. Арепбаев (2020), Т.В. Абдураупов ва б. (2021) ишларида ёритилган бўлиб, турлар таркибидаги ўзгаришлар ва уларнинг қайта таксимланиши атроф-муҳит омилларига боғлиқ ҳолда ўзгариши қайд этилган.

Бироқ, Зарафшон водийсининг камёб ва ҳаёти ҳавф остида бўлган қишлоқчи қуш турларига бағишланган тадқиқот ишлари деярли олиб борилмаган ва мавжудлари эса маънан эскирган ҳисобланади. Шунга қўра, Зарафшон водийсининг ўзига хос шароитида камёб ва ҳаёти ҳавф остида бўлган қишлоқчи қушлар фаунасини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг миқдорий ва сифат хусусиятларини аниқлаш ҳамда қушларни муҳофаза қилишнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ВА-ФА-Ф5-007 «Ўзбекистон хайвонлари паразитлари – Spirurida Chitwood, 1933 туркуми нематодаларнинг популяцион экологияси, таксономияси ва эволюцияси» мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2017-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Зарафшон водийсининг камёб ва йўқолиб бораётган қишловчи қушларининг тур таркибини ва биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда камёб қишловчи қушларни муҳофаза қилиш тадбирларини мақбуллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Зарафшон водийсининг қишки орнитофаунасининг таксономик хилма-хиллиги ва шаклланишини тавсифлаш;

Зарафшон водийсининг камёб ва йўқолиб бораётган қишловчи қушлари тур таркибини таҳлил қилиш;

қушларнинг тарқалиш хусусиятлари, қишлаш давомийлиги ва яшаш жойларини аниқлаш;

айрим фон қуш турларининг биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этиш;

қушларнинг алоҳида турлари популяцияларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш;

Зарафшон водийси шароитида камёб қишловчи қушларга чекловчи омилларнинг таъсирини аниқлаш;

ўрганилаётган қушларнинг гелминтофаунаси таркибини тадқиқ этиш;

Зарафшон водийсининг камёб ва ҳаёти ҳавф остида бўлган қишловчи қушларини муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон водийси шароитида қишловчи қушларнинг камёб ва ҳавф остидаги турлари ҳамда уларнинг гелминтлари олинган.

Тадқиқот предмети камёб ва ҳавф остидаги қишловчи қушларнинг замонавий тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, уларнинг гелминтлари фаунаси таркиби ҳамда Зарафшон водийсида қушларни муҳофаза қилиш усулларини мақбуллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда орнитологик, паразитологик, экологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг Зарафшон водийси биоценозларида камёб ва ҳавф остидаги қишловчи қушларнинг замонавий турлар хилма-хиллиги 33 турдан иборат бўлиб, 8 туркумга (Ғозсимонлар, Пеликансимонлар, Лайлаксимонлар, Лочинсимонлар, Турнасимонлар, Ржанкасимонлар, Булдуруксимонлар, Япалоққушсимонлар) мансублиги аниқланган;

Зарафшон водийси ва унга туташ ҳудудларда қишловчи қушларнинг камёб ва йўқолиб кетиш ҳавфи остида бўлган турларининг биотоплар бўйича тарқалиш хусусиятлари ҳамда озикланиш биологияси аниқланган;

Зарафшон водийси ҳудудида биринчи марта Ўзбекистон қушлари фаунаси учун балиқчи қушлардан бургомистр – *Larus hyperboreus* аниқланган;

камёб ва йўқолиб бораётган 26 тур қушлар, шунингдек овланадиган 4 тур ва 3 тур кам сонда қишлоғчи қушларнинг биологик ва экологик хусусиятлари тавсифланган;

камёб қуш турларининг яшаш муҳитларидаги чекловчи омиллар аниқланган;

Зарафшон водийси қушлар гельминтлари фаунаси 90 турдан иборат эканлиги илк бор ўрганилиб, улар Cestoda, Trematoda ва Nematoda синфларининг 10 туркум, 27 оила ва 61 уруғига мансублиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чекловчи омиллар таъсири шароитида Зарафшон водийси қишлоғчи қушларининг камёб турларини сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Зарафшон водийси ҳудудида қишлоғчи қуш турлари популяциялари сони тўғрисидаги маълумотлар давлат кадастрини тузиш ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиши очиб берилган;

гельминтофаунистик тадқиқотлар асосида қушларнинг паразитологик вазияти аниқланган ва профилактик чора-тадбирларини амалга оширишнинг илмий асоси яратилган;

Зарафшон водийсининг камёб ва хавф остидаги қишлоғчи қушларининг тур таркиби, фаунаси, биологияси ва экологияси юзасидан олинган маълумотлар зоология фанлари мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини ошириши очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган классик, зоологик, паразитологик, экологик ва статистик усуллар ҳамда илмий ёндошувларни қўллаш асосида натижаларининг назарий маълумотларга мослиги тадқиқотда қўлланилган бирламчи маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш усуллари етарлилиги ва ўзаро бир-бирини тўлдириши, олинган натижаларнинг мавжуд қоидаларга мос келиши ва бошқа тадқиқотчилар маълумотлари билан таққосланганлиги, улардаги қиёсий фарқлар ишончлилигини статистик қайта ишлаш учун Excel дастури ва OriginPro 7,5 дастурий таъминоти (OriginLab Corporation, АҚШ) қўлланилганлиги, диссертация тадқиқот амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоғчи қушларнинг камёб ва хавф остида бўлган турлари тўғрисида мавжуд илмий маълумотларни кенгайтирилганлиги, Зарафшон водийси биогеоценозларида тадқиқ этилаётган қушларнинг биоэкологик хусусиятларининг ўрганилганлиги, шунингдек улар паразит чувалчанглари фаунасининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Зарафшон водийси қишлоғчи қушларининг камёб турларини сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги; минтақа ҳудудларида қишлоғчи айрим турлари популяциялари сонининг аниқланганлиги ва уларнинг давлат кадастрини тузиш,

биологик ресурслардан оқилона фойдаланилганлиги; гельминтофаунистик маълумотлар асосида қишлоқ хўжалик паррандалари орасида паразитологик вазиятни башорат қилиш ҳамда профилактик чораларни амалга оширишнинг илмий асосларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Зарафшон водийсининг камёб ва хавф остидаги қишловчи қушлари биоэкологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

камёб, муҳофазага мухтож ҳамда овладиган қушларни учраш хусусиятлари, ов қилиш мавсуми ва муддатлари юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмасининг Бухоро ва Навоий вилоятлари бўлимлари амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмасининг 2022 йил 5 майдаги 113-сон маълумотномаси). Натижада, Бухоро ва Навоий вилоятларининг овчилик хўжаликлари ҳудудида қиш мавсумида 5 турдаги овладиган қушлар квоталарини мақбуллаштириш ва 23 турдаги қишловчи камёб қушларни муҳофаза қилиш имконини берган;

Зарафшон водийси орнитофаунаси таркибидаги 4 туркум, 3 оила, 7 авлодга мансуб 9 тур қушларнинг 11 нусха намуналари республикада етакчи бўлган «Зоология коллекцияси» ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2022 йил 28 июлдаги 4/1255-1765-сон маълумотномаси). Натижада, мавжуд қушлар коллекцияси фонди янги тур намуналари билан бойитилган ва Ўзбекистон қуш турлари хилма-хиллигини аниқлашда самарали фойдаланиш имконини берган;

Зарафшон водийсидаги камёб ва хавф остидаги қишловчи қушлар фаунасининг замонавий ҳолатини баҳолаш, экологиясини асослаш, камёб турларни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Бухоро ва Навоий вилоятлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий бошқармалари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2022 йил 7 декабрдаги 03-02/7-3547-сон маълумотномаси). Натижада, қушлар популяциясининг сонини сақлаб қолиш ва овладиган турларнинг квоталарини тартибга солиш ҳамда камёб ва хавф остидаги қишловчи турларнинг давлат кадастрини тузиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 9 таси илмий мақолалар, жумладан 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Зарафшон водийси шароитида қушлар ва уларнинг гельминтофаунасининг ўрганилганлик ҳолати»** деб номланган биринчи бобида минтақада ва унга туташ ҳудудлардаги қушлар фаунаси, экологияси ва тарқалиши бўйича олдинги қилинган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Зарафшон водийси ҳудудида алоҳида қуш турлари бўйича тадқиқотлар олиб борилганлиги қайд этилди.

Турли биогеоценозларда камёб ва хавф остидаги қушлар фаунаси ва экологиясини тадқиқ этиш ишлари натижалари фрагментар ҳолатда бўлиб, мавжуд материалларнинг аксарияти эскирган ва Зарафшон водийси ҳудудида тарқалган камёб қишлоғчи қушлар хилма-хиллигининг замонавий ҳолатини акс эттирмаслиги, шунингдек ўрганилган қушлар гуруҳларининг гельминтофаунаси ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд эмаслиги очиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи **«Зарафшон водийсининг камёб ва хавф остидаги қишлоғчи қушларини ўрганиш услублари ва материаллари»** бобида ҳудуднинг географик жойлашуви, чегаралари, рельефи ва иқлими ҳамда тадқиқот жараёнида материал йиғиш, дала ва лаборатория ишларини ўтказиш бўйича услубий ёндашувлар батафсил тавсифланган.

Стационар кузатув ишлари қишда қушлар кўп тўпланадиган Зарафшон дарёсининг қуйи оқими сув ҳавзалари – Денгизкўл кўли, Тўдакўл, Қуйимозор ва Шўркўл сув омборларида олиб борилди. Шунингдек, қушларни ҳисобга олиш ишлари Қорақир, Замонбобо, Оёқоғитма, Ҳадича, Зикри, Девхона, Бухоро ихтисослаштирилган Жайрон питомниги ҳудудидаги кўлларда (Гўзал кўл, Ўрдакли кўл ва Тузли кўл) ҳам амалга оширилди. Зарафшон водийсининг текислик қисмидаги тадқиқотлар Зарафшон Миллий табиат боғи, Бухоро ихтисослаштирилган Жайрон питомниги, Вардонзи Давлат табиат ёдгорлиги, жумладан, сув ҳавзаларига туташ ҳудудларда олиб борилди. Урбанлашган ҳудудлар ва агроценозларда қишлоғчи қушларга ҳам эътибор қаратилди.

Қушларни қисқа ва узоқ масофаларда кузатиш учун БПЦ (16x50) дурбини ишлатилди. Очiq майдонларда LUXUN телескопи (25-75x70) ва Nikon P900 камерасидан фойдаланилди. Барча стациялар ва қушларни учраш жойлари координаталари GPS «Garmin» ёрдамида белгилаб олинди.

Қишлоғчи қушлар популяцияларининг жинси ва ёшини аниқлаш учун турли ракурсларда суратлари бўлган янги замонавий аниқлагичлардан (Peterson, 2002; Brazil, 2008; Svensson, 2009; Поярков, 2011; Vuilleumier, 2011) фойдаланилди.

Қўшимча маълумот олиш ва олинган натижаларнинг ишончилигини аниқлашда А.В. Молодовский, 1997 ва М.В. Калякин, 2014 ишларидан фойдаланилган. Қушлар ва сут эмизувчилар изларини ўрганиш учун маълумотнома-аниқлагичдан фойдаланилди (Гудков, 2008).

Қушларни ҳисобга олиш ишлари ноябрь-март ойлари давомида стацияларда ойига 3 марта (ҳар ўн кунда) амалга оширилди. Ўйнинг бошқа фаслларида қушларнинг учраш хусусиятлари ва миграция муддатини ўрганиш мақсадида ойда бир марта кузатувлар амалга оширилди. Тадқиқотлар олдиндан белгиланган 7-9 нукталарда, шунингдек, қушлар йиғиладиган ҳудудларда амалга оширилди. Қушларни ҳисобга олиш ишларида умум қабул қилинган усуллар (Кузякин, 1958; Равкин, Челинцев, 1990; Делани, 2010; Медведов, 2013; Семашко, 2016) қўлланилди.

Дала тадқиқотлари жараёнида автомобилда (27670 км) ва пиёда маршрутлар (780 км) орқали ўтказилди. Зарафшоннинг қуйи оқимидаги сув ҳавзалари ҳудудида қушларнинг қишлоқ хусусиятларини таҳлил қилишда сўров маълумотларидан кенг фойдаланилди.


Барча қушлар сонини мутлақ (абсолют) ҳисобга олиш ишлари маълум бир қуруқлик ёки сув ҳудудида амалга оширилди. Ўйида 100 дан ортиқ шундай ҳисоблар ўтказилди.

Озиқланиши ва озиқа таркибини ўрганишда асосан визуал кузатувлар асосида, шунингдек қушлар ошқозони, жигилдони, погадкалари, озиқ қолдиқлари ва фекалий намуналарини таҳлил қилиш усуллари қўлланилди. Қушлар ўлжасининг тур таркибини ўрганишда погадкаларни таҳлил қилиш методикасидан (Галушин, 1982; Потапов, 1989; Митропольский, 2005, 2009) фойдаланилди. Ўлжанинг суяк қолдиқларини Зоология институтидаги териология коллекцияси билан таққослаш орқали ва аниқлагич асосида краниал белгилари ва тишларнинг чайнаш юзасини текшириш орқали аниқланди (Виноградов, Громов, 1984; Громов, Ербаева, 1995; Зайцев ва б., 2014).

Қушларнинг гельминтларини текшириш ишлари стандарт усуллар бўйича амалга оширилди (Гинецинская, 1968; Дубинина, 1971).

Учинчи боб **«Зарафшон водийси қишки орнитофаунасининг таксономик хилма-хиллиги ва шаклланиши»** деб номланилиб, унда тадқиқот ҳудудида қайд этилган қуш турларининг рўйхати келтирилган. Шунга кўра қишки орнитофауна таркиби 14 туркум 36 оила ва 82 уруғга мансуб 134 турдан иборат.

Энг кўп турлар Чумчуқсимонларга (46 тур), нисбатан камроқ турлари Ғозсимонлар (23) ва Лочинсимонлар (22), ундан кейин Ржанкасимонлар (12 тур), Лайлаксимонлар (6), Турнасимонлар (5), Пеликансимонлар (4), Япалокқушсимонлар (4), бошқа туркумлар – Қўнғирсимонлар ва Каптарсимонлар 3 турдан, Товуқсимонлар (2), Булдуруқсимонлар (2), шунингдек Кўкқарғасимонлар ва Қизилиштонсимонлар туркумларига биттадан тур тегишлидир. Қишги орнитофаунада туркумларнинг фоиз улуши 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Зарафшон водийси шароитида турли қушлар туркумларининг қиш мавсумидаги улуши

Зарафшон водийсида қишда камёб ва хавф остидаги қушларнинг 8 туркум, 11 оилага мансуб 33 тури қайд этилди (1-жадвал).

Камёб ва хавф остидаги қишлоғчи турлари аксарияти Anseriformes (10) ва Falconiformes (8), қолган турлар Pelecaniformes (3), Ciconiiformes (2), Gruiformes (2), Charadriiformes (2), Strigiformes (2) ва Pteroclitiformes (1) туркумларига мансуб қушлардир.

2022 йил февраль ойининг ўртасида Оёқоғитма кўли ва унга яқин Тузкон кўлида Ўзбекистон фаунасида илк бор бургомистр – *Larus hyperboreus* аниқланди.

Қушлар миграциясининг бошланиши ва давомийлиги, шунингдек, қишлаш жойида яшаш муддати об-ҳаво шароитлари ва озиқа мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Зарафшон водийсида камёб қишлоғчи қушлардан оққушлар (*Cygnus olor*, *Cygnus cygnus*), *Aythya ferina*, *Oxyura leucocephala*, *Phalacrocorax pygmaeus* сони 500-3000 тадан ошади. Бошқа турлар – *Tadorna tadorna*, *Aythya nyroca*, *Haliaeetus albicilla*, *Larus ichthyaetus* қишлоғчи индивидлари сони 50-100 тани ташкил этади. Кўпчилик қушларнинг қишлоғчи индивидлари умумий сони 20-50 тадан ошмайди. Йиртқич қушлар (*Aquila heliaca*, *Haliaeetus leucoryphus*, *Falco peregrinoides*, *Falco peregrinus*, *Falco cherrug*, *Asio flammeus*), тувалоқлар (*Otis tarda*, *Chlamydotis macqueenii*), шунингдек *Cygnus bewickii* қишлашда доимий учрамайдиган турлар ҳисобланади.

Камёб ва хавф остидаги қишлоғчи қушларнинг таксономик рўйхати

Туркум	Оила	Тур
Ғозсимонлар - Anseriformes	Ўрдаклар - Anatidae	Оқ решонали ғоз <i>Anser albifrons</i> (Scopoli, 1769)
		Оқ решонали кичик ғоз <i>Anser erythropus</i> (Linnaeus, 1758)
		Суралай ғоз <i>Tadorna tadorna</i> (Linnaeus, 1758)
		Вишилдоқ оққуш <i>Cygnus olor</i> (S.G. Gmelin, 1789)
		Қийқирдоқ оққуш <i>Cygnus cygnus</i> (Linnaeus, 1758)
		Кичик оққуш <i>Cygnus bewickii</i> Yarrel 1830
		Олақанот <i>Aythya nyroca</i> (Güldenstädt, 1770)
		Қизилбош <i>Aythya ferina</i> (Linnaeus, 1758)
		Оқбош ўрдак <i>Oxyura leucocephala</i> (Scopoli, 1769)
		Мармар чуррак <i>Marmaronetta angustirostris</i> (Menetries, 1832)
Пеликансимонлар - Pelecaniformes	Сақоқушлар - Pelecanidae	Пушти сақоқуш <i>Pelecanus onocrotalus</i> Linnaeus, 1758 Жингалак сақоқуш <i>Pelecanus crispus</i> Bruch, 1832
	Қорабузовлар Phalacrocoraci- dae	Қорабузов <i>Phalacrocorax pygmaeus</i> (Pallas, 1773)
	Лайлаксимонлар - Ciconiiformes	Лайлаклар - Ciconiidae
Лочинсимонлар - Falconiformes	Қарчиғайлар - Accipitridae	Чўл бургути <i>Aquila nipalensis</i> Hodgson, 1833
		Катта олачипор бургут <i>Aquila clanga</i> Pallas, 1811
		Қиронқора <i>Aquila heliaca</i> Savigny, 1809
		Бургут <i>Aquila chrysaetos</i> (Linnaeus, 1758)
		Оқдумли сувбургут <i>Haliaeetus leucoryphus</i> (Pallas, 1771)
		Узундумли сувбургут <i>Haliaeetus albicilla</i> (Linnaeus, 1758)
		Тасқара <i>Aegypius monachus</i> (Linnaeus, 1766)
		Оқ бошли кумой <i>Gyps fulvus</i> (Hablizi, 1783)
	Лочинлар - Falconidae	Итолғи <i>Falco cherrug</i> (Gray, 1834)
		Лочин <i>Falco peregrinus</i> Tunstall, 1771
Маллабош лочин <i>Falco pelegrinoides</i> (Temminck, 1829)		
Турнасимонлар - Gruiformes	Тувалоқлар - Otididae	Тўхта тувалоқ <i>Otis tarda</i> (Linnaeus, 1758)
		Йўрға тувалоқ <i>Chlamydotis macqueenii</i> (J.E. Gray, 1832)
Ржанкасимонлар - Charadriiformes	Ржанкалар - Charadriidae	Қизқуш <i>Vanellus vanellus</i> (Linnaeus, 1758)
	Балиқчилар - Laridae	Қорабош балиқчи <i>Larus ichthyaetus</i> (Pallas, 1773)
Булдуруксимонлар - Pterocliiformes	Булдуруклар - Pterocliidae	Сув булдурук <i>Syrhaptes paradoxus</i> (Pallas, 1773)
Япалоққушсимон- лар - Strigiformes	Япалоққушлар - Strigidae	Кулоқдор япалоққуш <i>Asio otus</i> (Linnaeus, 1758)
		Ботқоқ япалоққуш <i>Asio flammeus</i> (Pontoppidan, 1763)

Диссертациясининг «Зарафшон водийси камёб қишлоғчи қушларининг биологик-экологик тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида камёб қушларнинг қишлоғ давридаги биотопик тарқалиши, озикланиши, динамикаси, улар ҳаёт кечиришида чекловчи омилларнинг таъсири таҳлил қилинган.

Зарафшон водийсида қишлоғчи қушларнинг биотопик тарқалишининг характерли хусусиятларини очиб бериш учун шартли равишда минтақадаги экотизимларнинг қўйидаги асосий гуруҳлари аниқланди: текисликлар, текисликдаги тўқай ўрмонлари, сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зоналари, тоғлар ва тоғ этаклари, урболандшафтлар ва агроландшафтлар.

Асосий биотопларда рўйхатга олинган камёб ва ҳаёти хавф остида бўлган қишлоғчи қуш турлари 2-жадвалда келтирилган. Шунга кўра, текисликларда 11 тур, сув ҳавзалари ва нам жойларда – 19, текисликдаги тўқай ўрмонларда – 10, қамиш ва юлғунзорларда – 10, қолдиқ тоғлар ва тоғ этакларида – 4, боғлар ва узумзорларда – 4, кузги буғдой далалари ва шудгорланган ерларда – 4, урбоценозларда 4 тур қайд этилди.

2-жадвал

Зарафшон водийсида камёб қушларнинг биотопик тарқалиши

Биотоплар ва турлар сони	Камёб қуш турлари
Текисликлар (11)	<i>Aquila nipalensis, Aquila clanga, Aquila heliaca, Aegypius monachus, Gyps fulvus, Falco cherrug, Falco peregrinus, Asio flammeus, Otis tarda, Chlamydotis masqueenii, Syrrhaptes paradoxus</i>
Сув ҳавзалари ва нам жойлар (19)	<i>Anser albifrons, Anser erythropus, Tadorna tadorna, Cygnus olor, Cygnus cygnus, Cygnus bewickii, Aythya nyroca, Aythya ferina, Oxyura leucocephala, Marmaronetta angustirostris, Pelecanus onocrotalus, Pelecanus crispus, Phalacrocorax pygmaeus, Ciconia ciconia, Ciconia nigra, Haliaeetus leucoryphus, Haliaeetus albicilla, Vanellus vanellus, Larus ichthyaetus</i>
Текисликдаги тўқай ўрмонлар (10)	<i>Ciconia ciconia, Ciconia nigra, Aquila nipalensis, Aquila clanga, Aquila heliaca, Aegypius monachus, Gyps fulvus, Haliaeetus albicilla, Falco peregrinus, Falco cherrug</i>
Қамиш ва юлғунзорлар (4)	<i>Phalacrocorax pygmaeus, Ciconia ciconia, Haliaeetus albicilla, Larus ichthyaetus</i>
Қолдиқ тоғ ва тоғолди ҳудудлар (4)	<i>Aquila nipalensis, Aquila chrysaetos, Aegypius monachus, Gyps fulvus</i>
Боғ ва узумзорлар (4)	<i>Aquila heliaca, Falco cherrug, Falco peregrinus, Asio otus</i>
Кузги буғдой даласи ва шудгорланган ерлар (4)	<i>Cygnus olor, Ciconia ciconia, Aegypius monachus, Chlamydotis masqueenii</i>
Урбоценозлар (4)	<i>Falco cherrug, Falco pelegrinoides, Asio otus, Asio flammeus</i>

Умуман олганда, Зарафшон водийси шароитида текисликлар, кўллар ва сув омборлари, қамиш ва юлғунзорлар, боғлар, узумзорлар ва буғдой далалари қишлоғчи камёб қуш турлари учун асосий биотоплардир. Қишлоғ даврида қушларнинг озикланиши ва шароитнинг турли-туманлиги қатор мосланишларнинг мураккаб тизимида ўз ифодасини топади.

Яшаш муҳитидаги мавсумий ўзгаришлар қушларнинг экологик реакцияларига мос келади. Ҳашаротларнинг йиллик ҳаёт цикли ҳашаротхўр қушлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Ҳашаротхўр қушларнинг ёзги озик спектри (озик рационининг катта қисмини ҳашаротлар ташкил этувчи) қишда ўсимлик уруғлари ва мевалари билан алмашинади. Оптимал озикланиш қушнинг яшаш жойи шароитига қараб ҳам ўзгаради. Тоғ қушлари вертикал миграция қилиб, текислик ва воҳаларга учиб боради. Аксарият чумчуқсимонлар шаҳар ҳудудларида қишлайди.

Зарафшон водийсида тадқиқ этилган қишлоқчи камёб қушлар озикланишига кўра фитофаглар, ихтиофаглар, миофаглар, некрофаглар ва полифаглар гуруҳларига бўлинади (3-жадвал).

3-жадвал

Зарафшон водийсида қушларнинг озикланиш типи бўйича гуруҳлари

Озикланиш типи	Қушлар тури
Фитофаглар	<i>Anser albifrons, Anser erythropus, Tadorna tadorna, Cygnus olor, Cygnus cygnus, Cygnus bewickii, Aythya nyroca, Aythya ferina, Oxyura leucocephala, Marmaronetta angustirostris, Otis tarda, Chlamydotis masqueenii, Syrrhaptes paradoxus</i>
Ихтиофаглар	<i>Pelecanus onocrotalus, Pelecanus crispus, Phalacrocorax pygmaeus, Ciconia nigra, Haliaeetus leucoryphus, Larus ichthyaetus</i>
Миофаглар	<i>Aguila clanga, Aquila nipalensis, Aquila heliaca, Falco peregrinus, Falco pelegrinoides, Asio otus, Asio flammeus</i>
Полифаглар	<i>Ciconia ciconia, Haliaeetus albicilla</i>
Некрофаглар	<i>Aegyptus monachus, Gyps fulvus</i>

Йилнинг бошқа фаслларида фарқли ўлароқ, қаттиқ совуқ қиш даврида қушлар ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун нотипик озикланиш хусусиятларини намоён қилиши мумкин.


Ҳаёт циклининг турли даврлари (уялаш, миграция, қишлаш ва бошқа) мобайнида ҳар бир турнинг ҳозирги сонини аниқлаш ва башорат қилиш орқали яқин ва узоқ келажакда турларнинг барқарорлиги ёки ўзгаришини баҳолаш мумкин. Муайян ҳудудларда кенг тарқалган қушларнинг мавсумий ҳодисаларга мослашиши, экологик пластиклиги ва валентлиги, тур этологияси каби муҳим кўрсаткичлар улар сони ва ҳудудда яшаш муддатларини белгилайди. Шунга асосланиб, қушларни маълум вақт ичида ёки мавсумий гуруҳларга бўлиш мумкин.

Тадқиқот олиб борилган Зарафшон водийси ва унга туташ ҳудудларнинг табиий шароитида қушларнинг турли жамоалари ва гуруҳлари шаклланган бўлиб, уларга доимий ўзгарувчан экологик ва антропоген омиллар таъсир этади. Ушбу жамоаларда миллий ва халқаро даражада муҳофазага олинган камёб қушларнинг мавжудлигини, шунингдек уларнинг сонидаги ўзгаришларни баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот ҳудудида 2019-2022 йиллар қиш мавсумида қушларнинг 134 тури рўйхатга олинган, улардан 11 оилага мансуб 33 тури (24.6%) камёб ва хавф остидаги қишлоғчи қушлардир.

Қушлар сонининг ўзгариши нафақат бир қиш мавсумида, балки йиллар давомида ҳам фарқ қилади. Ушбу ҳодисанинг асосий сабаби сувда сузувчи ва сув олди қушлари учун ҳаво ҳарорати ҳисобланади. Ҳароратнинг пасайиши оқибатида сув юзасининг музлаши ва бу жараённинг узоқ давом этиши билан ҳудуддаги музламайдиган сув ҳавзалари (Денгизкўл, Қорақир, Замонбобо, Оёқоғитма, Девхона, Қуйимазор) ҳамда уларнинг алоҳида қисмларида қушларнинг хилма-хиллиги ва сонининг кескин ортиши кузатилади. Оққушлар, ўрдақлар ва сақоқушлар сувнинг муздан холи қисмини эгаллаши, айрим қушларнинг муз юзасида узоқ вақт қолиши, баъзан эса коллекторлар ва каналларга учиб кетиши аниқланди. Айни вақтда сув қушларининг сонига боғлиқ ҳолда ушбу жойларда оқ думли сувбургутлар сони ҳам кўпаяди.

Музламайдиган сув ҳавзаларда 2020/2021 йил қиш мавсумининг эрта бошланиши ва узоқ давом этиши сабабли камёб қушларнинг ортиб бориши аниқланди. Ноябрьдан февралга қадар қушларнинг умумий сонининг камайиши қушлар ва улар яшаш жойларида чекловчи омилларнинг салбий таъсири (ўлим ёки бошқа жойларга кўчиш) билан боғлиқ. Февраль ойида қушларнинг камайиши, қушларнинг уялаш жойларига учиб кета бошлаши шунингдек, баҳорги миграциянинг бошланиши билан изоҳланади (2-расм).



2-расм. 2019-2022 йилларда камёб ва ҳаёти хавф остида бўлган қишлоғчи қуш турларининг умумий сони

Зарафшон водийсининг камёб қишлоғчи қушлари популяцияларига таъсир этувчи абиотик, биотик ва антропоген омиллар таҳлили асосида қуйидаги чекловчи омиллар аниқланди:

Таҳлика ёки нотинчлик омилли – Зарафшон водийсининг барча биотопларида кузатиладиган кўп қиррали чекловчи омил (моторли қайиқлар ва

одамларнинг шовқини ва бошқалар). Тадқиқотимизга кўра, энг кўп сақоқушлар, оққушлар ва ўрдаклар зарар кўради.

Яшаш муҳитларининг ўзгариши ва деградацияси – нафақат табиий ҳудудларга, балки муҳофазаланадиган ҳудудларга ҳам (дарахтларни ноқонуний кесилиши, шағал ва тошларни қазиб олиш ва бошқалар) таъсир қилади.

Озуқа ресурсларининг танқислиги – қиш мавсумида ушбу ҳудудда барча ҳайвонлар каби қушлар ҳаётидаги асосий чекловчи омиллардан биридир.

Озиқа учун рақобат – асосан сувда сузувчи қушлар ва йиртқич қушлар ўртасида бўлади. Тадқиқот давомида Жайрон питомниги ҳудудида қишда нобуд бўлган жайрон, қулон ва Пржевальский отларининг жасадларини ўзлаштириш жараёнида *Aegypius monachus* билан рақобатда *Gyps fulvus*, *Aquila nipalensis* ва *Haliaeetus albicilla* каби турлар кузатилди.

Йиртқичлик – трофик муносабатларда муҳим роль ўйнайди. Қишда йиртқич қушлар нафақат бошқа синфлар вакиллари, балки қушлар, жумладан камёб, муҳофазаланадиган турларни ҳам ўлжа сифатида овлайди. Оқ думли сувбургутлар қаттиқ совуқда озиқ танқислигидан заифлашган *Cygnus olor*, *Cygnus cygnus*, *Cygnus bewickii*, *Anser anser*, *Tadorna tadorna*, баъзан *Oxyura leucoccephala*, *Aythya nyroca*, *Marmaronetta angustirostris* каби турларни овлайди.

Ноқулай об-ҳаво шароити – қаттиқ совуқ, қуруқ ва кучли шамол, туман, қалин қор ёки кучли ёмғирлар билан боғлиқ бўлиб, қишловчи қушлар ҳаётида турли ноқулай вазиятларни келтириб чиқаради. Сув қушлари табиий сув оқимларига, коллектор-дренаж тармоқларига учиб бориб омон қолади. Шу билан бирга, ушбу жойларда қушларнинг зичлиги ортиб, турли ноқулайликлар ва тез-тез безовталанишлар кузатилди.

Браконерлик – маълум бир ҳудудда қушларнинг хилма-хиллиги ва сонига таъсир қилувчи инсоннинг энг салбий фаолиятидир. Бундай ҳолатлар ноқонуний балиқ овлаш (электр қармоқда) жараёнида балиқлар билан бирга қушлар, жумладан камёб турлар ҳам кучли электр токи таъсирида нобуд бўлади.

Қушларнинг ўлими – кўпинча электр узатиш линияларида қисқа туташув натижасида, кўшимча равишда ташланган балиқ овлаш тўрларига ўралиб, захарланиш (қушларнинг ошқозонига тушган кўрғошин билан) оқибатида кузатилади. **Қушларнинг автомобиллар билан тўқнашуви** Ғузур-Бухоро-Нукус-Бейнау А-380 автомагистралда тез-тез содир бўлиб туради

Популяциянинг умумий қисқариши – бир нечта турларга тегишли. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Қизил китобида ўз аксини топган. Масалан, *Marmaronetta angustirostris*, *Pelecanus crispus*, *Haliaeetus leucoryphus* ва *Otis tarda* популяцияларининг умумий сони, жумладан қишловчи индивидлари сони ҳам камайган.

Юқоридаги чекловчи омиллар кўпинча бир вақтнинг ўзида ўзаро таъсир қилиб, камёб қушларнинг яшаб қолиши учун ноқулай шароитларни келтириб чиқаради (3-расм).

ТМХИнинг Қизил рўйхатига киритилган қуш турлари дунё популяцияларининг йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган тоифаларининг сўнгги таҳририга кўра, ҳозирги вақтда Зарафшон водийсида EN (3 тур), VU (10 тур), NT (2 тур) тоифаларига мансуб 15 тур қишлашмоқда. Ўзбекистон Республикаси

Қизил китобигам(2019 йил) киритилган қушларнинг 25 тури қуйидагилардан иборат: ўта хавфли (CR) – 1, глобал йўқолиб кетиш хавфи остидаги (EN) – 5, заиф (VU) – 15 (табиий равишда кам учрайдиган 7 ва камайиб бораётган 8) ва таҳдидга яқин (NT) – 3



3-расм. Қушларнинг Зарафшон водийсида қишлошига таъсир этувчи чекловчи омилларнинг ўзаро таъсири.

Ҳозирги вақтда Зарафшон водийсида қишлови камёб қушларнинг 15 тури ТМХИ нинг Қизил рўйхатига киритилган бўлиб, сўнгги таҳриридаги мақомига кўра EN (3 тур), VU (10 тур) ва NT (2 тур) ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2019) 25 тур қуш киритилган. Уларнинг муҳофазаланиш мақоми қуйидагича: бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасидаги (CR) – 1, йўқ бўлиб кетаётган (EN) – 5, заиф (VU) – 15 (табиий кам учрайдиган 7 ва қисқариб бораётган 8) ва йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин (NT) – 4.

Диссертациянинг «**Зарафшон водийси қушларининг гелминтофаунаси**» деб номланувчи бешинчи бобида гелминтологик тадқиқотлар натижалари келтирилган бўлиб, биринчи марта 90 тур гелминтлар аниқланди. Шундан сув-ботқоқ қушларида 75 тури рўйхатга олинди. Цестодалар – 29 тур, трематодалар – 25 ва нематодалар – 21 турдан иборат. Турларнинг сони бўйича цестодалар доминантлик қилади – 38,7%. Товуқсимонларда 18 тур паразит аниқланди.

Гельминтофаунани синф даражасида таққослаш шуни кўрсатадики, Зарафшон водийси ўрганилган қушларида цестодалар 34 тур, трематодалар 27 тур ва нематодалар 29 тур билан ифодаланади. Паразитларнинг аксарият турлари қушларнинг алоҳида туркумлари учун умумий эканлиги аниқланди.

Ушбу бобда сув-ботқоқ (ёввойи ва уй) қушларнинг паразити – *Bilharziella polonica* трематодаси биологиясининг хусусиятлари ҳам келтирилган.

Трематоданинг ҳаёт циклида *Planorbis planorbis* ва *Pl. tangitarenis* моллюскалари иштирок этиб, уларнинг организмида партеногенез фазалари (она ва киз спорациста) лари ривожланади ва церкарийлар шаклланади. Церкарийлар сувда сузувчи қушлар организмига фаол териси орқали юқади. 50-62 кун давомида онтогенезнинг барча фазалари ўтиб, вояга етган паразит шаклланади.

ХУЛОСАЛАР

«Зарафшон водийсининг камёб ва хавф остидаги қишлоғчи қушлари» мавзусида биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Зарафшон водийсининг замонавий қишги орнитофаунаси таркиби 14 туркум, 36 оила, 82 авлодга мансуб 134 турдан иборатлиги аниқланди. Қуш турларининг таркиби тартиб бўйича қуйидагича: Чумчуқсимонлар – 46 тур (34,6%), Ғозсимонлар – 23 тур (17,3%), Лочинсимонлар – 22 тур (16,5%), Ржанкасимонлар – 12 тур (9,02%), Лайлаксимонлар – 6 тур (4,5%), Турнасимонлар – 5 тур (3,76%) ва қолган 8 туркум вакиллари 1-4 турни (0,75 дан 3% гача) ташкил этди.

2. Қиш мавсумида Зарафшон водийсида 8 туркум, 11 оилага мансуб камёб ва хавф остидаги 33 тур қайд этилди. Камёб ва хавф остидаги турларнинг аксарияти Anseriformes (10 тур), Falconiformes (8 тур) туркумларига киради. Бошқа 6 туркумнинг кўрсатилган тоифадаги вакиллари 1-3 турни ташкил этади.

3. Зарафшон водийсининг турли типдаги сув ҳавзаларида қишда қулай экологик шароитнинг мавжудлиги сабабли сувда сузувчи қушларни жалб этиб, уларнинг йиғилиш жойлари бўлиб хизмат қилади. Био-экологик хусусиятлари ва табиий шароитларга боғлиқ ҳолда камёб турларнинг, айниқса сувда сузувчи қушлар популяцияларидаги сони тебраниб туради. Тадқиқот ҳудудида *Cygnus olor*, *Aythya ferina*, *Oxyura leucocephala*, *Phalacrocorax pygmaeus* каби камёб турларнинг сони юқорилиги аниқланди.

4. Ўзбекистон орнитофаунасида 2022 йил феврал ойининг биринчи ярмида Оёқоғитма ва Тузкон кўлларида илк бор бургомистр *Larus hyperboreus* аниқланди.

5. Зарафшон водийси экосистемаларида камёб қишлоғчи қушларнинг тақсимланиши ва қушлар гуруҳининг озикланиш биологияси кўрсаткичларига кўра типлари аниқланди: фитофаглар – 13 тур, миофаглар – 7 тур, ихтиофаглар – 6 тур, полифаглар – 2 тур, некрофаглар – 2 тур.

6. Зарафшон водийсида камёб қушларнинг қишлаши ва улар сонига чекловчи омиллардан безовталантириш, яшаш жойлари деградацияси, озика ресурсларининг танқислиги, тур ичида ва турлараро трофик рақобат, йиртқиқлик, ноқулай об-ҳаво, браконерлик ва бошқалар таъсир этади.

7. Биринчи марта Зарафшон водийсининг турли экологик гуруҳларга мансуб қуш турлари гельминтофаунаси комплекс ўрганилди ва 90 тур гельминтлар аниқланди. Сув-ботқоқ қушларида 75 тур гельминт: Цестодалар –

29 тур, Трематодалар – 25 тур, Нематодалар – 21 тур аниқланди. Товуқсимонларнинг хонаки ва ёввойи вакилларида 18 турдаги гельминтлар қайд этилди. Товуқсимонларда синфлар кесимида Нематодалар (9 тур), Цестодалар (6 тур) ва Трематодалар (3 тур) ташкил этди.

8. Сув-ботқоқ кушлари паразити *Bilharziella polonica* ҳаёт цикли биринчи марта ўрганилди. Паразитнинг оралиқ хўжайини сифатида *Planorbis planorbis* ва *Planorbis tangitarenis* моллюскалари қайд этилди. Моллюскалар танасида личинка босқичлари 23-27 кун давомида церкарийларнинг шаклланиши билан ривожланади. Хонаки ўрдаклар зарарлангандан 27-35 кун ўтиб, жинсий вояга етган авлодлар шаклланиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.В.52.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ

ЁРКУЛОВ ЖАВЛОН МАХМУДОВИЧ

**РЕДКИЕ И НАХОДЯЩИЕСЯ ПОД УГРОЗОЙ ИСЧЕЗНОВЕНИЯ
ЗИМУЮЩИЕ ПТИЦЫ ЗАРАФШАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/B728.

Диссертация выполнена в Институте зоологии АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:: **Азимов Джалалиддин Азимович**
доктор биологических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Камилов Бахтияр Ганиевич**
доктор биологических наук, профессор
Кашкаров Роман Данилович
кандидат биологический наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Каракалпакский государственный университет**

Защита диссертации состоится 14 марта 2023 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии в зале заседаний института (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. тел.: (+998) 71-289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Институте зоологии (зарегистрировано за №1708-AP) Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б. Институт зоологии. Тел.: (+998) 71-289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Автореферат диссертации разослан 22 февраля 2023 года.

(реестр Протокола рассылки № 3 от 22 февраля 2023 года).



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в связи с повышением уровня антропогенного воздействия на природные территории в мире, что наблюдается и в других компонентах природы, в разных регионах наблюдаются изменения видового состава, численности и особенностей пребывания птиц, а также происходит сокращение ареалов их обитания. Последствия этих воздействий особенно проявляются в водоемах, лесах и равнинах, удобных для проживания птиц. Поэтому важно изучать разнообразие редких и исчезающих птиц в отдельных регионах, их годовой жизненный цикл, в том числе особенности зимовки, сохранения птиц в местах их обитания, совершенствовать эффективные методы их охраны, расширять площади охраняемых территорий.

В мире в целях сохранения биологического разнообразия на природных и урбанизированных территориях, выявления опасностей на путях миграции перелетных видов и их зимовочных мест, а также для смягчения некоторых опасных воздействий. В связи с этим внимание уделяется разработке методов охраны водоемов и их прибрежных территорий, являющихся местами обитания большинства видов и групп птиц.

В республике большое внимание уделяется решению проблем охраны окружающей среды и рациональному использованию биологических ресурсов. В связи с этим, реализован комплекс мероприятий по сохранению разнообразия птиц, принадлежащих к разным экологическим группам и обеспечению их устойчивого использования, развития и расширения охраняемых природных территорий, снижению деградации природных экологических систем, разработаны способы охраны редких и находящихся под угрозой исчезновения птиц. В частности, определены задачи в Стратегии¹ сохранения биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 гг. «...обеспечить сохранение и устойчивое использование биологического разнообразия, развитие и расширение охраняемых природных территорий, снижение темпов деградации природных экологических систем, редких и исчезающих животных и растений, определены задачи восстановления исчезающих видов». Исходя из этих задач, большое научное и практическое значение имеет оценка современного положения редких и исчезающих видов зимующих птиц Зарафшанской долины, определение особенностей распространения и экологии птиц, принадлежащих к разным экологическим группам разработка методов охраны редких видов.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени служит решением задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», ноября 2018 года № 914 от 7 «О ведении государственного учета объектов животного и растительного мира, учета объемов их

¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 июня 2019 года № 484 «Об утверждении стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы»

использования и государственного кадастра», а также других нормативно-правовых документов принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования орнитофауны ведутся в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях. Определено видовое и таксономическое разнообразие птиц различных экологических групп, изучены их биология и экология, особенности распространения видовых популяций на естественных и трансформированных территориях, проведены комплексные мероприятия по охране выявленных популяций птиц, в частности, редких и находящихся под угрозой исчезновения видов в зарубежных странах учеными Н. Heinzel et al. (1995), I. Ido et al. (2002), M. Shmueli et al. (2008), S. Van Rijn et al. (2010), A. Raffael et al. (2012), S. Esther et al. (2013), S. Taro, Sh. Saiko (2014), K. Ignacy et al. (2017), M. Dominik et al. (2017), A.V. Evgeny et al. (2018), M. Panuccio et al. (2019) и другими.

Аналогичные исследования по фундаментальным и практическим проблемам биологического разнообразия птиц в странах СНГ проводили И.А. Абдусаламов (1971), Ш.Р. Мирзобахадурова (2000, 2021), В.А. Ковшарь (2003), И.С. Павлов (2005), А.К. Рустамов (2007), Э.А. Рустамов (2009), А.В. Жуков, А.Ю. Андрющенко (2017), В.В. Юрко (2021) и другие.

Исследования по теоретическим и практическим проблемам орнитологии проводили в биогеоценозах Узбекистана Р.Н. Мекленбурцев, А.К. Сагитов, Д.Ю. Кашкаров, Е.Н. Лановенко, Е.Р. Фоттелер, М.М. Остапенко, О.В. Митропольских и другие которые описаны в коллективной монографии «Птицы Узбекистана», изданной в 1987, 1990, 1995 годах. Исследования орнитофауны природных и городских территорий проводились Ф.Р. Холбоевым (2000, 2012), М.М. Тураевым (2003, 2006, 2010, 2016), О.В. Митропольским и др. (2005, 2007, 2009), Р.Д. Кашкаровым и др. (2008, 2011, 2020, 2022), А.Р. Джаббаровым (2016), М.А. Джумановым (2017), А.А. Атаходжаевым, В.О. Сударевым (2017), Я.И. Аметовым (2019), И.М. Арепбаевым (2020), Т.В. Абдурауповым и др. (2021).

